


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика)
магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат педагогика университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рақамсига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1.	70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари	4
1.2.	70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи.....	4
1.2.1.	70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2.	70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари	4
1.2.3.	70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари	5
1.2.4.	70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари	5
2.	70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	7
2.1.	Умумий компетенциялар	7
2.2.	Касбий компетенциялар	8
	Библиографик маълумотлар	11
	Келишув варағи	

1. 70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика)
магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70110601 - Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) магистратура мутахассислиги малака талабнинг қўлланилиши.

Малака талаби **70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.

70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) – “Педагогика” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, у барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишларини юритиш, илмий-тадқиқот ишлари билан шугулланиш, мос таълим йўналишлари бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида жараёни лойиҳалаштириш ва бошқариш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;

- Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим тизими муассасаларида илмий тадқиқот ва жараёнлар;

- олий таълим муассасаларида мутахассислик бўйича ўқув-тарбия ва маънавий-маърифий жараёнлар;

- таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва техник лойиҳалари, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи объектлар мажмуасини қамраб олади.

1.2.3. 70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий-педагогик фаолияти;

- илмий-тадқиқот фаолияти;

- маънавий-маърифий фаолияти;

- ташкилий-бошқарув фаолияти;

- олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, профессионал таълим тизимидаги педагогик фаолият.

1.2.4. 70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий вазифалари:

70110601-Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси куйдаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

Илмий-педагогик фаолиятида:

- фаннинг замонавий ютуқлари, педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарсни ўқув-тарбиявий жараён қонуниятлари асосида ташкил этиш, таълим олувчиларнинг қизиқишлари, лаёқати ва талабларини ҳисобга олиш асосида улар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитларни яратиш;

- таълим олувчи шахсининг ҳар томонлама ривожлантириш жараёнини мотивациялаш ва фаоллаштириш, ўқув-тарбиявий фаолият барча босқичларининг мантиқийлиги ва эмоционаллигига эришиш, дидактик воситалардан самарали фойдаланиш; зарур билим, кўникма ва малакалар, фикрлаш ва фаолият рационал усулларини шакллантириш, мавжуд билимларни доимо бойитиб бориш эҳтиёжини юзага келтириш, ҳар бир дарсни ташҳис этиш, прогнозлаш ва пухта лойиҳалаштириш;

- ҳар бир дарснинг таълимий вазифаларини аниқ белгилаш, дарсни ахборотлар билан бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш ва ўзлаштиришнинг энг янги технологияларини қўллаш, турли хилдаги шакл, метод ва воситалардан мос равишда фойдаланиш;

- жамоавий фаолият усуллари билан бирга таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этишнинг турли шакллари билан фойдаланиш, тезкор қайта алоқани таъминлаш, назорат ва бошқарувни амалга ошириш, дарсни маҳорат билан ўтказишни таъминлаш;

- таълим олувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар (ватанпарварлик, тиришқоқлик, тартиблилик, масъулиятлилик, интизомлилик, мустақиллик, толерантлик ва бошқалар)ни шакллантириш;

- педагогик одоб талабларига амал қилиш, таълим олувчилар билан ҳамкорлик ва уларнинг муваффақият қозонишларидан манфаатдор бўлиш;

- таълим олувчиларда ўқув-билиш фаолиятига доир ижобий сифатлар, қизиқиш, ижодий ташаббускорлик ва фаолликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш;

- таълим олувчиларнинг идрок этиш имкониятлари даражасини ўрганиш, ҳисобга олиш, “ривожланишнинг яқин зонасини лойиҳалаштириш”, “ўзиб кетиш” даражасидаги ўқув машғулотларини ташкил этиш;

- таълим олувчиларнинг шахсий ва касбий ривожланишини таъминлаш мақсадида таълим-тарбия шакл, метод ва воситаларини ҳамда таълим технологияларини оқилона танлаш ва самарали қўллаш;

- таълим олувчиларнинг ўзлаштирилаётган ўқув дастурлари билан боғлиқликдаги билиш имкониятлари, эҳтиёжлари ва муваффақиятларини ўрганиш ва олинган натижалар асосида таълим, тарбия ва ривожланишнинг индивидуал йўналишларини лойиҳалаштириш;

- таълим ва тарбия жараёнини таълим олувчиларнинг ёш ҳамда психофизиологик хусусиятларига, шу жумладан уларнинг таълимий эҳтиёжларига мос келувчи педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

- педагогик жамоа, ота-оналар, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этиш;

- касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантириш.

- педагогларнинг касбий эҳтиёжлари ҳамда имкониятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда олинган натижалар асосида индивидуал методик қўллаб-қувватлаш тизимини лойиҳалаштириш;

- педагогларнинг ҳамкорликдаги методик фаолияти натижаларини амалда қўлланишини тадқиқ этиш, ташкил этиш ва баҳолаш;

- таълимий дастурларни ва таълим олувчиларнинг индивидуаллигини ривожлантириш йўллари лойиҳалаштириш;

- ўқув фанлари мазмуни, назорат шакл ва методларини ҳамда дидактик-коррекцион материалларини лойиҳалаштириш;

- ўқитиш жараёни сифатини таъминловчи таълимий муҳитни лойиҳалаштириш;

- бўлғуси педагогик фаолиятни лойиҳалаштириш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- манбаларга асосланган ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини билиш, давр учун долзарб, ҳал этилиши лозим бўлган ва такомиллаштириш талаб этиладиган йўналишларга доир мавзуларни аниқлай олиш;

- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш;

- замонавий тадқиқот методлари ва методологияси, таълим-тарбияга доир назариялар, концепциялар, илғор тажрибалардан фойдаланиш;

- илмий муаммоларни ҳал этишнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш.

Маънавий-маърифий фаолиятида:

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиклол ғоясини сингдириш;

- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- таълим-тарбия жараёни қатнашчилари ва ижодий жамоани бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;

- илмий ва ўқув фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва таъбиқ қилиш;

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни такомиллаштириш.

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги педагогик фаолиятда:

- мутахассислик фанларини ўқитиш методикасини эгаллаши;
- олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш маҳоратига эга бўлиши;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник ва компьютер воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги янги шакл, методлар воситаларни ўзлаштириш ва ўз-ўзини ривожлантириш;
- электрон ахборот таълим муҳитида таълим жараёнини педагогик лойиҳалаштириш;
- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;
- узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш.

2. 70110601- Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёкарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиши;
- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;
- шахснинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллаш олиши;
- янги билимларни мустақил ўзлаштириш олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;
- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;
- ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий хужжатлардан фойдалана билиши;
- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланиш бўлиши;

- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиши;

- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаши;

- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;

- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиши;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;

- патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- фаннинг замонавий ютуқлари, педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарсни ўқув-тарбиявий жараён қонуниятлари асосида ташкил этиш, таълим олувчиларнинг қизиқишлари, лаёқати ва талабларини ҳисобга олиш асосида улар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитларни яратиш;

- таълим олувчи шахсининг ҳар томонлама ривожлантириш жараёнини мотивациялаш ва фаоллаштириш, ўқув-тарбиявий фаолият барча босқичларининг мантикийлиги ва эмоционалликка эришиш, дидактик воситалардан самарали фойдаланиш; зарур билим, кўникма ва малакалар, фикрлаш ва фаолият рационал усуллари шакллантириш, мавжуд билимларни доимо бойитиб бориш эҳтиёжини юзага келтириш, ҳар бир дарсни ташҳис этиш, прогнозлаш ва пухта лойиҳалаштириш;

- ҳар бир дарснинг таълимий вазибаларини аниқ белгилаш, дарсни ахборотлар билан бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш ва ўзлаштиришнинг энг янги технологияларини қўллаш, турли ҳилдаги шакл, метод ва воситалардан мос равишда фойдаланиш;

- жамоавий фаолият усуллари билан бирга таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этишнинг турли шаклларида фойдаланиш, тезкор қайта алоқани таъминлаш, назорат ва бошқарувни амалга ошириш, дарсни маҳорат билан ўтказишни таъминлаш;

- таълим олувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар (ватанпарварлик, тиришқоқлик, тартиблилик, масъулиятлилик, интизомлилик, мустақиллик, толерантлик ва бошқалар)ни шакллантириш;

- педагогик одоб талабларига амал қилиш, таълим олувчилар билан ҳамкорлик ва уларнинг муваффақият қозонишларидан манфаатдор бўлиш;

- таълим олувчиларда ўқув-билиш фаолиятига доир ижобий сифатлар, қизиқиш, ижодий ташаббускорлик ва фаолликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш;

- таълим оловчиларнинг идрок этиш имкониятлари даражасини ўрганиш, ҳисобга олиш, “ривожланишнинг яқин зонасини лойиҳалаштириш”, “ўзиб кетиш” даражасидаги ўқув машғулотларини ташкил этиш;

- таълим оловчиларнинг шахсий ва касбий ривожланишини таъминлаш мақсадида таълим-тарбия шакл, метод ва воситаларини ҳамда таълим технологияларини оқилона танлаш ва самарали қўллаш;

- таълим оловчиларнинг ўзлаштирилаётган ўқув дастурлари билан боғлиқликдаги билиш имкониятлари, эҳтиёжлари ва муваффақиятларини ўрганиш ва олинган натижалар асосида таълим, тарбия ва ривожланишнинг индивидуал йўналишларини лойиҳалаштириш;

- таълим ва тарбия жараёнини таълим оловчиларнинг ёш ҳамда психофизиологик хусусиятларига, шу жумладан уларнинг таълимий эҳтиёжларига мос келувчи педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

- педагогик жамоа, ота-оналар, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этиш;

- касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантириш.

- педагогларнинг касбий эҳтиёжлари ҳамда имкониятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда олинган натижалар асосида индивидуал методик қўллаб-қувватлаш тизимини лойиҳалаштириш;

- педагогларнинг ҳамкорликдаги методик фаолияти натижаларини амалда қўлланишини тадқиқ этиш, ташкил этиш ва баҳолаш;

- таълимий дастурларни ва таълим оловчиларнинг индивидуаллигини ривожлантириш йўллари лойиҳалаштириш;

- ўқув фанлари мазмуни, назорат шакл ва методларини ҳамда дидактик-коррекцион материалларини лойиҳалаштириш;

- ўқитиш жараёни сифатини таъминловчи таълимий муҳитни лойиҳалаштириш;

- бўлғуси педагогик фаолиятни лойиҳалаштириш;

- манбаларга асосланган ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини билиш, давр учун долзарб, ҳал этилиши лозим бўлган ва такомиллаштириш талаб этиладиган йўналишларга доир мавзуларни аниқлай олиш;

- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш;

- замонавий тадқиқот методлари ва методологияси, таълим-тарбияга доир назариялар, концепциялар, илгор тажрибалардан фойдаланиш;

- илмий муаммоларни ҳал этишнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиклол ғоясини сингдириш;

- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш;

- таълим-тарбия жараёни қатнашчилари ва ижодий жамоани бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;

- илмий ва ўқув фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни такомиллаштириш *малакаларига эга бўлиши керак.*

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги педагогик фаолиятда:

- мутахассислик фанларини ўқитиш методикасини эгаллаши;

- олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш маҳоратига эга бўлиши;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;

- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник ва компьютер воситаларидан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги янги шакл, методлар воситаларни ўзлаштириш ва ўз-ўзини ривожлантириш;

- электрон ахборот таълим муҳитида таълим жараёнини педагогик лойиҳалаштириш;

- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;

- узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб ўрганиш натижалари, ўқув даври, e-learning ва m-learning технологиялари, математика, анализ, педагогик статистика, олий таълим, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, таълим технологиялари, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, замонавий ўлчов асбоблари, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:



Тошкет давлат педагогика университети

Ректор А.Ю.Умаров

2021 йил « »

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш, тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б. М.Эсанов

М.Ў. 2021 йил « »

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги

Вазир ўринбосари



2021 йил « »

Республика таълим маркази
директори

Директор Ш.Саттаров

М.Ў. 2021 йил « »